

АГНКС ускуналарини жорий капитал ремонт қилинаётганда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» ни уч суткадан кечикмай, капитал ремонтда эса иш бошланишидан камида 15 кун огоҳлантириш лозим.

11. «Таъминотчи» қуйидагиларга ҳақлидир:

- а) автомобилнинг газ ускуналаридан фойдаланиш, ўлчов-назорат асбоблари ва тўғрилигини текшириш.
- б) сиқилган газда юрадиган автомобилни бошқариш учун ҳайдовчининг хужжати мавжудлигини текшириш.
- в) «Истеъмолчи» томонидан ўрнатилган коида, тўлдириш чекловлари ва ушбу шартнома шартларини бажармаган пайтда автомобилга сиқилган газ тўлдириб бермаслик.

3. ГАЗНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

12. «Истеъмолчи» га жўнатиладиган сиқилган табиий газ микдори «Таъминотчи» ускуналари ёрдамида «Ўзбекнефтгаз» томонидан 28.11.95 йилда «Жўнатиладиган АГНКС газининг микдорини ўлчаш услублари ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг 51-034-94 қарори ва «Истеъмолчи» билан ҳисоблашишда АГНКС сиқилган газ ҳисоблаш қўлланмаси (12.04.96 й) асосида тасдиқланган газ тўлдириш компрессор станциясида тўлдириладиган автомобилларга жўнатиладиган газ ҳажмини аниқлаш таблицасига мувофиқ ўлчанади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолларда газни бериш ва олишни камайитиришлари мумкин:

- а) магистрал газ қувурларида, шаҳар газ ва электр тармоқларида, олдиндан билиш мумкин бўлмаган шароитларда юзага келган аварияларда;
- б) ёнғин, зилзила, сув тошқини ва бошқа даврий фалокатларда;
- в) магистрал газ қувурлари, шаҳар газ ва электр тармоқларининг навбатдаги таъмирлаш ишлари пайвандлаш ишлари вақтида.

14. СТГ ни тўлаш мажбуриятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида томонлар қўшимча, яъни қарздорнинг мулкни гаровга ушлаб туриш бўйича, ёки «Таъминотчи», «Истеъмолчи» дан кафолат мажбуриятининг расмийлаштирилган қўринишини ёки нотариал идорада тасдиқланган хужжатни талаб қилиши ҳақидаги қўшимча шартнома тузишлари мумкин.

15. Ушбу шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

16. Ушбу шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 31 Декабр 2022 йилгача амал қилади.

17. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Таъминотчи» да, яна бир нусхаси эса «Истеъмолчи» да бўлади.

Ушбу шартномада кўрсатилмаган масалалар бўйича томонлар «Истеъмолчи» ларга газни магистрал газ қувурлари орқали етказиб бериш ва «Автотранспорт воситаларини сиқилган газ тўлдиришга жўнатиш тартиблари» қонунларига мурожаат қиладилар.

18. Ушбу шартнома борасида мунозарали баҳслар, шартнома бажарилиш пайтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқда ўрнатилган тартибда иктисодий судларида кўриб чиқилади.

Шартномага илова:

- а) ДАН дан рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг сони ва маркаси кўрсатилган газдан фойдаланиш ҳисоби.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»
«Метан Ривож Савдо»МЧЖ
Гулистон шаҳар
х/р 20208000500271625001
с/х 23202000400271625001
Гулистон АТИБ «Агро банк»
МФО:00365
ИНН: 302784677 ОКНХ 71211
Тел: 998981161020
Шайбеков.Н



«ИСТЕЪМОЛЧИ»
Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш бошқармани
Гулистон ш. Бирлашган к.10 уй
ФПН 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН: 200322392
Тел: 100021860244017056200144001



Handwritten signature in blue ink.